



**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги**



билан

**Вьетнам стандартлар ва сифат бошқармаси
ўртасида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва
аккредитация соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида
Англашув Меморандуми**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Вьетнам стандартлар ва сифат бошқармаси, бундан кейин «Томонлар» деб аталувчилар;

Савдодаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришни кўзлаб;

атроф-муҳит, инсон ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини таъминлашнинг муҳимлигини англаб;

икки мамлакатнинг миллий қонунчилиги доирасида иккала Томоннинг иқтисодий манфаатларини оширишга интилиб;

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1 – модда

Томонлар, мазкур Англашув Меморандуми ва ўз давлатларининг норматив - ҳуқуқий ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларида қуйидагиларни қамраб олган қўшимча битим, баённома ва дастурлар асосида ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар :

- а) илмий ва техникавий ҳамкорликка кўмаклашиш ва савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш учун миллий стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш;
- б) Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасида экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларнинг стандартлари ва техник регламентларини уйғунлаштириш бўйича ҳамкорликда фаолият кўрсатиш;

физик катталиқлар билан боғлиқ миллий ва ишчи эталонларни солиштириш бўйича ишларни ташкил этиш.

2 – модда

Томонлар:

- а) Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларида каталоглар, стандартлар, техник регламентлар, ахборотлар ва даврий нашрларни;
- б) Синов ва калибрлаш лабораторияларини, сертификатлаштириш ва инспекция идораларини аккредитациялаш бўйича умумий ахборот ва нашрларни;
- в) Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларида ўқув дастурлари ва мутахассисларни малакасини ошириш бўйича маълумот ҳамда материалларни ўзаро алмашишга келишиб олдилар.

3 – модда

Томонлар халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган ҳолда аккредитация тизимини такомиллаштиришга кўмаклашадилар.

Томонлар мувофиқликни баҳолаш соҳасида ўтказиладиган илмий анжуманлар, семинарлар ва амалий тренингларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

4 – модда

Томонлар, ўзаро етказиб берилаётган маҳсулотларни рўйхатга олиш борасида доимий равишда ҳамкорлик қиладилар. Айнан шу мақсадда Томонлар тарафидан ўзаро тан олинган процедураларга асосан мажбурий сертификатлаштириш лозим бўлган маҳсулотлар рўйхати ҳамда хавф туғдириши мумкин бўлган маҳсулотлар рўйхати тўғрисида бир-бирларини ўз вақтида хабардор қиладилар.

5– модда

Томонлар, мазкур Англашув Меморандуми доирасида, эришилган илмий ва техникавий натижалар, қабул қилинган ҳужжат ва маълумотларнинг махфийлигини таъминлайдилар.

Бундай маълумотларни, учинчи тарафга, фақат уни тақдим этган Томоннинг розилиги асосида бериш мумкин.

6– модда

Томонлар стандартлаштириш, метрология ва аккредитация бўйича турли халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қиладилар, бундай халқаро ва минтақавий ташкилотларда аъзо бўлишда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар.

7 – модда

Томонлар ўз имкониятларини мувофиқлаштириш ва иккала Томоннинг халқаро фаолиятдаги мавқеини ошириш мақсадида, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация бўйича халқаро ташкилотлар доирасида узвий ҳамкорлик қиладилар.

8 – модда

Томонлар стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларида тажриба алмашиш, ўзаро маслаҳатлашиш ва ўқув курсларини ташкил этиш мақсадида, делегациялар, мутахассислар/экспертлар ва инструкторлар алмашинувини ташкил этадилар. Мазкур Англашув Меморандумининг 10 – моддасига кўра бундай тадбирлар Томонлар ўртасида қўшимча баённомалар шаклида келишиб олинади.

9 – модда

Мазкур Англашув Меморандуми қоидаларини талқин қилиш ва қўллашда юзага келган келишмовчиликлар Томонларнинг ўзаро маслаҳатлашувлари ва музокаралари орқали ҳал қилинади.

10 – модда

Томонларнинг ўзаро келишувларига кўра мазкур Англашув Меморандумига алоҳида баённомалар билан расмийлаштириладиган ўзгартиришлар киритилиши мумкин, бунда баённомалар мазкур Англашув Меморандумининг ажралмас қисми ҳисобланади.

11 – модда

Мазкур Англашув Меморандуми, Томонларнинг стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация соҳаларида учинчи мамлакатлар билан имзолаган бошқа Англашув Меморандуми ва Битимларига дахлдор эмас.

12 – модда

Мазкур Англашув Меморандумининг талаблари бажарилиши юзасидан келиб чиқадиган молиявий мажбуриятлар, Томонларнинг ўзаро келишуви билан амалга оширилади.

13 – модда

Ўзаро ҳамкорликни самарали амалга ошириш мақсадида, Томонлар ҳамкорлик учун қуйидаги мутасаддиларни тайинлайдилар:

- “Ўзстандарт” агентлигининг халқаро муносабатлар шўъбаси.
- Вьетнам стандартлар ва сифат бошқармасининг халқаро ҳамкорлик бўлими.

14 – модда


Мазкур Англашув Меморандуми имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Томонлар мазкур Англашув Меморандумини амал қилишини бошқа томонга ёзма равишда хабардор қилиб тўхтатиши мумкин. Мазкур Англашув Меморандуми бошқа Томондан юқорида келтирилган хабарни олган кундан кейин 3 (уч) ойдан сўнг кучини йўқотади.

Бундай хабар Томонларнинг ўзаро розилигисиз Томонлар ўртасидаги амалдаги лойиҳа ва дастурларнинг талабларини ўзгартирмайди.

Тошкент шаҳрида, 2010 йил «30» ноябрда, икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, вьетнам ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча тилдаги матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Англашув Меморандуми талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келганда инглиз тилидаги матни асос қилиб олинади.

Ўзбекистон
стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги


номида



А.А. Абдувалиев

Бош директор

**Вьетнам стандартлар ва
сифат бошқармаси**
номидан



Др. Ву Ван Диен

Бош директор ўринбосари